

**ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.04/30.12.2019.Far.32.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ**

**МАМАТҚУЛОВ ЗУХРИДИН УРМОНОВИЧ**

**МАҲАЛЛИЙ ЎСИМЛИК ХОМАШЁЛАРИ АСОСИДА ЎТ ҲАЙДОВЧИ**  
**ДОРИ ВОСИТАСИННИНГ ТЕХНОЛОГИЯСИ, ФАРМАКОЛОГИК**  
**ТАДҚИҚОТЛАРИ ВА БФҚ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**15.00.01 – дори технологияси**

**14.00.17 – фармакология ва клиник фармакология**

**ФАРМАЦЕВТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент 2025**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)**

**Content of the abstract of doctoral dissertation (DSc)**

**Маматкулов Зухридин Урмонович**

Маҳаллий ўсимлик хомашёлари асосида ўт хайдовчи дори воситасининг технологияси, фармакологик тадқиқотлари ва БФҚ ишлаб чиқиш..... 3

**Маматкулов Зухридин Урмонович**

Технология, фармакологические исследования желчегонного лекарственного средства на основе местного растительного сырья и разработка БАД ..... 29

**Mamatkulov Zukhridin Urmonovich**

Technology, pharmacological research of a choleric drug based on local plant materials and development of dietary supplements..... 57

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 61

**ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.04/30.12.2019.Far.32.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ**

**МАМАТҚУЛОВ ЗУХРИДИН УРМОНОВИЧ**

**МАҲАЛЛИЙ ЎСИМЛИК ХОМАШЁЛАРИ АСОСИДА ЎТ ҲАЙДОВЧИ**  
**ДОРИ ВОСИТАСИННИНГ ТЕХНОЛОГИЯСИ, ФАРМАКОЛОГИК**  
**ТАДҚИҚОТЛАРИ ВА БФҚ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**15.00.01 – дори технологияси**

**14.00.17 – фармакология ва клиник фармакология**

**ФАРМАЦЕВТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент 2025**

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2024.1.DSc/Far42 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент фармацевтика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.pharmi.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчилар:** **Ризаев Камал Саидқабарович**  
тиббиёт фанлари доктори, катта илмий ходим

**Расмий оппонентлар:** **Олимов Немат Қаюмович**  
фармацевтика фанлари доктори, профессор

**Дамнинова Лола Турғунулатовна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Халилов Равшанжон Муратжонович**  
техника фанлари доктори, катта илмий ходим

**Ўтақчи ташкилот:** **Тожикистон миллий университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент фармацевтика институти ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Far.32.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «5» март соат 13<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтди (Манзил: 100015, Тошкент ш., Миробод тумани, Ойбек кўчаси, 45-уй. Тел.: (+99871) 256-37-38, факс: (+99871) 256-45-04, e-mail: info@pharmi.uz.).

Диссертация билан Тошкент фармацевтика институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (68 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100015, Тошкент, Ойбек кўчаси, 45-уй. Тел.: (99871) 256-37-38.

Диссертация автореферати 2025 йил «17» февраль кuni тарқатилди.  
(2025 йил «17» февраль даги 68 рақамли реестр баённомаси).



**А.Ф. Дусматов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси ўринбосари, ф.ф.д., профессор

**Ё.С. Қариёва**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, фарм.ф.д., профессор

*Урманова*

**Ф.Ф. Урманова**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, фарм.ф.д., профессор

## КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бутун жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг эътирофига кўра, сўнги йигирма йил ичида жигар ва ўт йўлларининг турли патологияларига, айниқса сурункали касалликларига чалинганлар сони 2,8 млрд дан ортган. Ўт йўллари касалликлари ҳаддан ташқари кўп овқат ейиш, шунингдек, кам ҳаракат қилиш натижасида ўт димланиб қолиши, ўт йўлларининг яллиғланиши, сафро ишлаб чиқарилиши ва айланишининг бузилиши натижасида юзага келади. Шу муносабат билан бундай касалликларни олдини олиш ва даволаш мақсадида аҳолини маҳаллий доривор ўсимликлар хомашёларидан ишлаб чиқилган хавфсиз дори воситалари ва биологик фаол қўшимчалар билан таъминлаш, уларнинг самарадорлигини клиник олди тадқиқотлар натижаларига асосан исботлаш муҳим аҳамият касб этади.

Дунё миқёсида кенг қўлланилиб келаётган доривор ўсимликлардан уларнинг терапевтик фаоллигини ошириш мақсадида турли композициялар яратиш, таркибидаги биологик фаол моддаларни тўлиқ ажратиб олиб, клиниколди тадқиқотларни амалга ошириш, ушбу БФМ асосида турли шаклдаги дори воситалар ва биологик фаол қўшимчаларни яратиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада маҳаллий доривор ўсимликлардан фиточой, экстрактлар ҳамда қўллаш учун қулай бошқа дори шакллари технологиясини ишлаб чиқиш, стандартлаш ишларини амалга ошириш, турғунлигини таъминлаш, фармакологик тадқиқотлар асосида самарадорлигини исботлаш бўйича тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикамизда соғлиқни сақлаш тизимда, хусусан фармацевтикада аҳолини саломатлигини ҳимоялаш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар натижасида маҳаллий доривор ўсимликларни ҳар томонлама ўрганиб, тиббиёт амалиётида қўллаш мақсадида хавфсиз ва сифатли дори воситалар ва БФҚлар ассортиментини кенгайтириш бўйича муайян натижаларга эришилмоқда. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг 22-мақсадида «Фармацевтика sanoati маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 3 баравар кўпайтириш ва маҳаллий бозорни таъминлаш даражасини 80 фоизга етказиш»<sup>1</sup> каби муҳим вазифалар белгиланган. Бу борада, маҳаллий фармацевтика корхоналарини иш фаолиятини янада жадаллаштириш, безарар, импорт ўрнини босувчи дори воситаси ва биологик фаол қўшимчалар таркибини танлаш ҳамда технологиясини ишлаб чиқиш, фармакологик фаоллигини исботлаш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 апрелдаги «Ёввойи ҳолда ўсувчи доривор ўсимликларни муҳофаза қилиш, маданий ҳолда етиштириш, қайта ишлаш ва мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4670-сон, 2020 йил

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сон Фармони.

26 ноябрдаги «Доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш, уларнинг уруғчилигини йўлга қўйишни ривожлантириш бўйича илмий тадқиқотлар кўламини кенгайтиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4901-сон, 2022 йил 20 майдаги «Доривор ўсимликларни маданий ҳолда етиштириш ва қайта ишлаш ҳамда даволашда улардан кенг фойдаланишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-251-сон қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 январдаги «2022-2026 йилларда республиканинг фармацевтика тармоғини жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-55-сон фармони ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожлантиришнинг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур илмий тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг IV. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи<sup>2</sup>.** Доривор ўсимлик хомашёсидан дори воситаларини ишлаб чиқариш, махсус фармакологик тестлар ёрдамида самарадорлигини аниқлаш, безарарлигини исботлаш, сифат ва миқдор кўрсаткичларини белгилашга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан: University of chemistry and technology (Чехия), University of Belgrad (Сербия), Karadeniz Technical University (Туркия), University of Split (Хорватия); Pharmaceutical and Food safety Bureau (Япония), Center for Clinical Research and Genomics, Institute Of Oriental Medicine (Хитой Халқ Республикаси), Пятигорск давлат фармацевтика академияси, Умумий ва экспериментал биология институти (Россия Федерацияси); Токсикология институти (Россия Федерацияси), Тиббий маҳсулотлар экспертизаси илмий марказида (Россия Федерацияси) олиб борилмоқда.

Доривор ўсимликларнинг кимёвий таркиблари, хусусан полифенолли бирикмаларининг таҳлили олиб бориш, ўсимлик хомашёсидан олинган препаратларнинг фармакотерапевтик фаоллигини аниқлаш, уларни халқаро меъёрий ҳужжатлар талабларига мувофиқ стандартлаш, озукага қўшимчаларнинг таснифи, таркиби ва технологиясиин ишлаб чиқишга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан қуйидаги илмий натижалар олинган: юқори самарали суюқлик хроматографияси усулида наъматак турларининг асосий биологик фаол моддалари аниқланган ҳамда антиоксидант таъсири исботланган (University of chemistry and technology, Чехия); индуктив боғланган плазмали масс-спектрометрия усулида наъматак ўсимлигининг элементли таркиби аниқланган (University of Belgrad, Сербия); доривор ўсимликларнинг кимёвий таркиби, хусусан

---

<sup>2</sup> Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи: [www.medline.ru](http://www.medline.ru), [www.elibrary.ru](http://www.elibrary.ru), [www.medlit.ru](http://www.medlit.ru), [www.rmj.ru](http://www.rmj.ru), [mntk.ru](http://mntk.ru), [www.retinajournal.com](http://www.retinajournal.com), [www.djo.harvard.edu](http://www.djo.harvard.edu), [webofscience.com](http://webofscience.com), [www.pubmed.com](http://www.pubmed.com), [www.elsevier.com](http://www.elsevier.com), [www.pediatrics.org](http://www.pediatrics.org), [www.oxfordjournals.org](http://www.oxfordjournals.org) манбалар асосида кўриб чиқилган.

полифеноллар тури ва миқдори аниқланган (Karadeniz Technical University, Туркия); бўймадорон, мойчечак, бўзночи ўсимликларнинг полифеноллари аниқланган ҳамда уларнинг антиоксидант ва антибактериал фаоллиги исботланган (University of Split, Хорватия); озуқага қўшимчаларнинг турлари аниқланган (Pharmaceutical and Food safety Bureau, Япония); аҳоли ўртасида самарали биологик фаол қўшимчаларни соғлом овқатланиш учун қўллаш белгиланган (Center for Clinical Research and Genomics, Institute Of Oriental Medicine, Хитой Халқ Республикаси); организмни ташқи муҳит омилларига мослашувчанлигини ошириш хусусиятга эга бўлган озуқага қўшимчалар технологияси яратилган (Пятигорск фармацевтика академияси, Умумий ва экспериментал биология институти, Россия Федерацияси); клиник олди тадқиқотларда ўсимлик препаратлари ва БФҚларнинг самарадорлиги ва безарарлиги аниқланган (Токсикология институти, Россия Федерацияси); наъматак ўсимлиги хомашёсини сақлаган йиғманидан янги дори шаклини технологияси яратилган (Тиббий маҳсулотлар экспертизаси илмий маркази, Россия Федерацияси).

Жаҳонда ўсимлик хомашёларидан фойдаланиб, дори препаратлар ва озуқага биологик фаол қўшимчаларни яратиш, уларни тиббиёт амалиётига татбиқ этиш бўйича қатор, жумладан қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда, биологик фаол моддаларни сифат ва миқдор таҳлилини замонавий инструментал усулларни қўллаган ҳолда қиёсий ўрганиш, турли экстрактларни олиш усуллари ишлаб чиқиш, уларни стандартлаш, турғунлигини таъминлаш, безарарлиги ва терапевтик самарадорлигини исботлаш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ўт ҳайдовчи хусусиятга эга маҳаллий ўсимлик хомашёлари маккажўхори оналик гулининг устунчаси билан оғизчаси, оддий бўймадорон ўти, итбурун наъматак мевалари, майда гулли тоғрайхон ўти ўсимликларини фармакогностик ўрганиш, таркибидаги биофаол моддаларни аниқлаш, улардан дори шакллари ва БФҚ лар олишда Х.Х.Холматов, М.Усуббоев, Х.М.Комилов, Ё.С.Кариева, Ш.Н.Шодмонова, Г.М.Турееваларнинг шунингдек, маҳаллий ўсимликлар асосида олинган гепатопротектор ва ўт ҳайдовчи дори воситаларини фармако-токсикологик хусусиятларини аниқлаш, тиббиёт амалиётига жорий этиш борасидаги Х.У.Алиев, Р.Т.Туляганов, М.Ж.Аллаева, Н.А.Абдурахмонова каби ўзбек олимларининг илмий тадқиқотлари муҳим аҳамиятга эга.

Дунё миқёсида ўт ҳайдовчи хусусиятга эга ўсимликлар асосида дори воситаларини технологиясини ишлаб чиқиш, сифат меъёрларини белгилаш, терапевтик фаоллиги ва безарарлигини ўрганиш, таъсир этиш механизмини белгилаш ва тиббиёт амалиётига қўллаш учун тавсиялар бериш бўйича тадқиқотлар қуйидаги олимлар томонидан олиб борилган: А.И.Абрамова, А.А.Аливердиева, Е.Алексеева, А.А.Алифанов, В.В.Амасов, Е.Е.Лесиовская, Т.Н.Саватеева-Любимова, Н.П.Рукавицына, Е.И.Саканян, О.В.Евдокимова, Т.М.Зубайдова, В.М.Мохов, Камышников В.С., В.Ф.Корсун, С.М.Николаев, Е.В.Корсун, Apurva B., V.Shulzova, N.Chmelarova, Libor M., J.Hajslova, Ivana G.M., Danijela S., Ivica L., Luka K., Sonja S.M., Visnja K., Rezzan A., Yasutada

A., Misa M., Paul H., Guth, Eli E., Jonathan D. Kaunitz Ozan E.T., Huseyin S., Oktay, Y., Nimet B., Tlili N., Wang Z.Y., Liu J.G., Li H. va бошқалар.

Мазкур диссертация иши ўт ҳайдовчи хусусиятга эга 4 хил доривор ўсимлик (маккажўхори оналик гулининг устунчаси билан оғизчаси, оддий бўмадорон ўти, итбурун наъматок мевалари, майда гулли тоғрайхон ўти) хомашёсини скрининги асосида мўътадил таркибли йиғма ишлаб чиқиш, унинг асосида курук экстракт кўринишидаги дори воситаси ҳамда фиточой ва капсула шаклидаги биологик фаол қўшимчаларни технологияларини яратиш, сифат ва миқдор кўрсаткичларини белгилаш, клиниколди тадқиқотларни амалга ошириш ҳамда тиббиёт амалиётида қўллашга тавсия этиш бўйича биринчи илмий тадқиқот ҳисобланади.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент фармацевтика институтининг «Маҳаллий доривор ўсимлик ва координацион бирикмалар асосида оригинал дори воситаларини ишлаб чиқиш ва тиббиёт амалиётига татбиқ этиш» мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** маҳаллий доривор ўсимлик (маккажўхори оналик гулининг устунчаси билан оғизчаси, оддий бўмадорон ўти, итбурун наъматок мевалари, майда гулли тоғрайхон) хомашёлари асосида ўт ҳайдовчи янги таркибдаги дори воситаси ва БФҚни технологиясини ишлаб чиқиш ҳамда уларни фармакологик хусусиятларини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги доривор ўсимликларга оид адабий манбаларни ўрганиш, улардан олинган препаратларни маҳаллий фармацевтик бозордаги ҳолатини таҳлил қилиш ва фармакологик скрининг асосида ўт ҳайдовчи ўсимлик хомашёларидан иборат йиғма нисбатини илмий асослаш;

тажрибаларни математик режалаштириш усулидан фойдаланган ҳолда маккажўхори оналик гулининг устунчаси билан оғизчаси, оддий бўмадорон ўти, итбурун наъматок мевалари, майда гулли тоғрайхон ўсимликларидан олинган йиғмадан флавоноидларни тўлиқ ажратиб олишга таъсир этувчи омилларни аниқлаш асосида субстанция олиш учун муқобил экстракция шароитлари танлаш;

олинган субстанция таркибидаги флавоноидлар, аминокислоталар, витаминлар, макро- ва микроэлементлар миқдорларини аниқлаш;

янги маҳаллий «STIGMACHOLE-ZEA» дори воситасининг ўткир токсик гепатитда (тетрахлорметанли) цитоллиз, жигар-ҳужайра етишмовчилигини коррекциялашда самарадорлигини карсил ва аллохол препаратлари билан қиёсий баҳолаш;

«STIGMACHOLE-ZEA» дори воситасининг ўт ҳосил бўлишига таъсирини экспериментал ўткир токсик гепатитда аллохол препарати билан солиштирма баҳолаш;

«STIGMACHOLE-ZEA» дори воситасининг турли флогогенлар таъсирида яллиғланишга қарши фаоллигини ҳамда спазмолитик таъсирини ўрганиш;

янги ўт хайдовчи йиғма, қуруқ экстракт асосида капсула шаклидаги БФҚ ҳамда фиточой таркибини танлаш ҳамда технологиясини ишлаб чиқиш ва уларни меъёрий ҳужжатлар талаблари асосида стандартлаш ҳамда ишлаб чиқилган БФҚ ларни сифат назоратини ўтказиш.

ишлаб чиқилган дори воситаси ва биологик фаол қўшимчаларнинг яроқлилик муддатини белгилаш ҳамда «STIGMACHOLE» капсуласи учун «Эрувчанлик» синовини ўтказиш шароитларини ишлаб чиқиш;

тавсия этилаётган субстанцияни тиббиётда қўллашга ва ишлаб чиқаришга рухсат олиш учун меъёрий - техник ҳужжатларни тайёрлаш ҳамда ЎзР ССВ «Фармацевтика маҳсулотлари хавфсизлиги маркази» Давлат муассасасига тақдим этиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида ўт хайдовчи хусусиятга эга маҳаллий ўсимлик хомашёлари маккажўхори оналик гулининг устунчаси билан оғизчаси, оддий бўмадарон ўти, итбурун наъматак мевалари, майда гулли тоғрайҳон ўти, шунингдек, «STIGMACHOLE-ZEA» қуруқ экстракти, «STIGMACHOLE-TEA» ва «STIGMACHOLE» БФҚлар ҳамда тажриба лаборатория ҳайвонлари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** маҳаллий ўсимлик хомашёлари асосида олинган дори воситаси ва БФҚларнинг таркибини танлаш, технологиясини ишлаб чиқиш, сифат меъёрларини белгилаш, сақлаш муддатларини аниқлаш, клиник олди синовларини ўтказишдан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот ишларини олиб боришда замонавий физик-кимёвий таҳлил усуллари (юқори самарали суюқлик хромографияси, индуктив боғланган плазмали масс-спектрометрия), қуриштириш усуллари, шунингдек, технологик ва фармакологик, токсикологик, биокимёвий усуллардан ҳамда математик статистик қайта ишлашда ва математик моделлаштиришда қўлланиладиган компьютер дастурларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор Ўзбекистонда ўсадиган доривор ўсимликлар маккажўхори оналик гулининг устунчаси билан оғизчаси, оддий бўймадарон ўти, итбурун наъматак мевалари, майда гулли тоғрайҳон ўти асосида ўт хайдовчи йиғманинг рационал таркиби скрининг тадқиқотлар натижалари асосида ишлаб чиқилган;

илк бор математик режалаштириш усулидан фойдаланган ҳолда маҳаллий ўсимлик хомашёлари асосидаги йиғмадан флавоноидларни тўлиқ ажралиб чиқишини таъминлайдиган омилларни белгилаб, «STIGMACHOLE-ZEA» қуруқ экстрактини олишнинг мўътадил технологияси ишлаб чиқилган;

«STIGMACHOLE-ZEA» қуруқ экстрактини аминокислотали, витаминли ҳамда элемент таркиби аниқланиб, ушбу биологик фаол моддаларнинг манбаи сифатида қаралиши мумкинлиги исботланган;

«STIGMACHOLE-ZEA» сувли ҳамда 40% ва 70% спиртли экстрактларнинг IV синф - кам захарли гуруҳга мансублиги ҳамда улардан «STIGMACHOLE-ZEA» 40% ли этил спиртта олинган экстрактнинг ўт ажралиб чиқишига таъсири назорат гуруҳи ва бошқа экстрактларга нисбатан ортганлиги аниқланган;

тетрахлорметан билан чақирилган жигарни ўткир токсик гепатитда «STIGMACHOLE-ZEA» субстанциясининг ривожланган аланинтрансфераза ферментлар фаоллигини, гипербилирубинемия, гипопроteinемия ҳолатларини меъёрлаштириши натижасида холестаза, цитоллиз, жигар-хужайра етишмовчилиги каби синдромларни бартараф этиши исботланган;

«STIGMACHOLE-ZEA» субстанциясининг тетрахлорметанли ўткир токсик гепатит кечимида ўт секрецияси тезлигини ошириши, ўт кислота, холестерин ва ишқорий фосфатаза миқдорини камайтириши сабабли Аллохол препарати сингари холеретик таъсир кўрсатиши исботланган;

ўт ҳайдовчи таъсирига эга қуруқ экстракт асосида илмий асосланган «STIGMACHOLE» капсула шаклидаги БФҚ таркиби танланган ва технологияси ишлаб чиқилган;

«STIGMACHOLE» капсуласи учун *in vitro* тажрибаларида биофармацевтик тадқиқотларни ўтказиш учун «Эрувчанлик» синови шароитлари аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

«STIGMACHOLE-TEA» фиточой ва «STIGMACHOLE» капсула кўринишидаги биологик фаол кўшимчаларнинг сифат меъёрлари аниқланган;

«STIGMACHOLE-ZEA» қуруқ экстракти, «STIGMACHOLE-TEA» фиточой ва «STIGMACHOLE» капсула шаклидаги биологик фаол кўшимчалари учун меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилган ва тасдиқланган;

«STIGMACHOLE-ZEA» қуруқ экстракти, «STIGMACHOLE-TEA» фиточой ва «STIGMACHOLE» капсуласининг сақланиш шароити ва яроқлилик муддатлари белгиланган;

маҳаллий доривор ўсимликлар асосидаги йиғмадан олинган «STIGMACHOLE-ZEA» қуруқ экстракти учун ЎзР ФА Ўсимлик моддалар кимёси институти билан ҳамкорликда тажриба-саноат регламенти ишлаб чиқилган ва тасдиқланган;

«STIGMACHOLE-ZEA» субстанцияси карсил, аллохол препаратлари сингари жигар гепатоцит хужайраларини рағбатлантирувчи таъсирга эга бўлиб, жигар шикастланишида ривожланадиган цитолитик, холестатик, жигар-хужайра етишмовчилиги синдромларини бартараф этиши, унинг гепатобиллар хужайраларига ижобий таъсири натижасида гепатоцитлардан ўтнинг ажралишини ошириши исботланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқотда олинган натижаларнинг ишончлилиги даражаси замонавий математик-статистик таҳлил усуллари, технологик, физик-кимёвий, биофармацевтик ва клиник олди тадқиқотлардан фойдаланилганлиги билан изоҳланади. Олиб борилган тадқиқот натижалари тажриба саноат шароитида синовдан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти маҳаллий ўсимликлар хомашёлари (маккажўхори оналик гулининг устунчаси билан оғизчаси, оддий бўймадарон ўти, итбурун наматак мевалари, майда гулли тоғрайхон ўти) йиғмасидан «STIGMACHOLE-ZEA» курук экстрактини олиш ва ёғсимон моддалардан тозалашнинг илмий асосланган технологияси ишлаб чиқилганлиги, «STIGMACHOLE-TEA» фиточой ва «STIGMACHOLE» капсула шаклидаги БФҚларни яратилганлиги, шунингдек уларни замонавий физик-кимёвий таҳлил усулларида фойдаланган ҳолда сифат меъёрлари белгиланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти «STIGMACHOLE-ZEA» курук экстрактинининг фармакологик самарадорлиги исботланганлиги ҳамда ЎзР ФА академик С.Юнусов номидаги Ўсимлик моддалар кимёси институти билан ҳамкорликда уни тиббиёт амалиётига жорий этиш имконини берадиган меъёрий ҳужжатлар, шунингдек, «STIGMACHOLE-TEA» фиточой ва «STIGMACHOLE» капсула шаклидаги БФҚларни ишлаб чиқариш учун Техник шартлар ва Технологик йўриқномалар ишлаб чиқилиб, тасдиқланганлиги билан изоҳланади. Ушбу дори воситаси ва БФҚларни ишлаб чиқариш хорижий давлатлардан импорт қилинадиган маҳсулот ҳажмини камайтириш, ҳамда маҳаллий ассортиментни кенгайтиришга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижарининг жорий қилиниши.** Маҳаллий ўсимлик хомашёлари асосида ўт ҳайдовчи дори воситасининг технологияси, фармакологик тадқиқотлари ва БФҚ ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«STIGMACHOLE-ZEA» субстанцияси учун Вақтинча фармакопоя мақоласи ЎзР ССВ ҳузуридаги «Фармацевтика маҳсулотлари хавфсизлиги Маркази» Давлат муассасаси томонидан тасдиқланган (ВФС 42 Уз-5469-2024). Натижада, ўт ҳайдовчи таъсирга эга маҳаллий дори воситалари ассортиментини кенгайтириш имконини берган;

«STIGMACHOLE-TEA» фиточой шаклидаги биологик фаол кўшимча учун Техник шартлар (Ts 24442623-003:2023) ҳамда уни ишлаб чиқариш бўйича Технологик йўриқнома (ТИ 24442623-003:2023) Ўзбекистон Республикаси санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси томонидан тасдиқланган. Натижада, «NARPAU VITA ZONE» МЧЖда ўт ҳайдовчи таъсирга эга БФҚни ишлаб чиқариш имконини берган;

«STIGMACHOLE» капсула шаклидаги биологик фаол кўшимча учун Техник шартлар (Ts 24442623-002:2023) ҳамда уни ишлаб чиқариш бўйича Технологик йўриқнома (ТИ 24442623-002:2023) Ўзбекистон Республикаси санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси томонидан тасдиқланган. Натижада халқ таботати ва замонавий тиббиётда ўт ҳайдовчи тизимини рағбатлантирувчи биофаол кўшимчаларни турларини кўпайтириш имкониятини берган;

«STIGMACHOLE-ZEA» курук экстракти учун тажриба саноат регламенти ишлаб чиқилган ва тасдиқланган (ОПР 42 Уз-5469-2024). Мазкур ҳужжатнинг тасдиқланиши натижасида ўт ҳайдовчи дори воситаси учун меъёрий ҳужжатларни ўрнатилган тартибда ишлаб чиқилиши ва рўйхатга олиниши таъминланган;

Ўтказилган клиник олди синовлар натижасида «STIGMACHOLE-ZEA» курук экстрактининг ўткир захарли эмаслиги ҳамда специфик фармакологик фаоллиги бўйича солиштирма препаратдан кам эмаслиги исботланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 15 октябрдаги 8н-3/280-сон хати). Натижада ишончли ўт ҳайдовчи фаолликга эга безарар дори воситани ишлаб чиқариш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 18 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий таълим ва фан инновациялар вазирлиги ҳузуридаги ОАК нинг докторлик диссертациялари (DSc) асосида илмий натижалари чоп этилишига тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола жумладан, 6 таси республика ва 6 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркибига кириш олтита боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 199 бетни ташкил этган.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида илмий тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асослаб берилган, тадқиқотларнинг мақсади, вазифалари, объекти ҳамда предмети тавсифланган, республика фан ва технологияларни ривожлантириш устувор йўналишларнинг мослиги кўрсатиб берилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари ёритилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган илмий ишлар ва диссертация ва турлари бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Дори воситалар ва биологик фаол қўшимчалар олишда доривор ўсимликлардан фойдаланиш истиқболлари» деб номланган биринчи бобда халқ табobati ва тиббиётда ўт йўллари касалликларини даволашда қўлланиладиган доривор ўсимликларни ўрганиш, Ўзбекистон Республикаси фармацевтика бозоридаги ўт ҳайдовчи дори воситаларининг таҳлили, доривор ўсимлик хомашёларидан дори воситалари ва БФҚ лар олишнинг аҳамияти, капсула дори шаклларининг замонавий истиқболлари ва афзалликлари ҳамда уларнинг жигар ва ўт йўллари касалликларни олдини олиш ҳамда даволашдаги аҳамияти бўйича барча материаллар тизимлаштирилиб, умумлаштирилган, бу эса тадқиқотнинг

мақсад ва вазифалари тўғрисида аниқ далилларни шакллантиришга имкон берган.

Тўпланган маълумотлар асосида диссертация тадқиқотининг вазифаси ўт хайдовчи йиғма асосида олинган янги қуруқ экстракт ва БФҚларни технологияси ишлаб чиқиш ва фармакологик хусусиятларини ўрганиш зарурлиги кўрсатилган.

Диссертациянинг «**Илмий тадқиқотда қўлланилган материаллар ва усуллар**» деб номланган иккинчи бобда тадқиқот объектлари, тадқиқотларда қўлланилган асосий ва ёрдамчи моддалар, асбоблар, асбоб-ускуналар, физик-кимёвий таҳлил усуллари келтирилган. Олинган таҳлил маълумотларига биноан, «STIGMACHOLE-ZEA» қуруқ экстракти ва унинг асосида олинган капсулаларни таркибидаги флавоноидлар, аминокислоталар, витаминлар, макро ва микроэлементларни миқдорини аниқлашда ЮССХ усулларидан фойдаланилган.

«STIGMACHOLE-ZEA» сувли, 40% ва 70%ли спиртли экстрактларининг ўткир захарлилиги, сафро хайдовчи хусусияти ҳамда ўткир тетрахлорметанли зарарланиш моделида ўт ажралиши ва ўт таркибини аниқлаш ҳамда танлаб олинган «STIGMACHOLE-ZEA» 40% этанолда олинган қуруқ экстракти юборилган каламушларнинг қон зардобидеги биокимёвий кўрсаткичларини таҳлил қилинган ҳамда қуруқ экстрактининг яллиғланишга қарши ва спазмолитик таъсирлари ўрганилган.

Таҳлил этилаётган 1,2,3,4 йиғмалар безарарлигини ўрганиш учун тана вазни 19-21 граммли 36 та оқ лаборатория сичқонлари танлаб олинди. Хайвонларни 6 тадан гуруҳларга бўлиниб, лаборатория хайвонларга оғиз орқали 1 мартта 6000 мг/кг ва 10000 мг/кг (0,3 мл ва 0,5 мл) дозаларда юборилди. Хайвонлар тажриба бошлашдан олдин ва кейин 14 сутка давомида доимий назоратда бўлдилар.

Таҳлил этилаётган 1,2,3,4 йиғмаларнинг ўт хайдаш фаоллиги оғирлиги 18-20 грамм бўлган оқ лаборатория сичқонларида ўрганилди. Тажрибадан 30 соат олдин хайвонлар овқатдан чеклантирилди. Ўрганилаётган препаратлар 10 мл/кг дозада оғиз орқали юборилди.

3-йиғмадан олинган «STIGMACHOLE-ZEA» сувли, 40% ли ва 70% ли этил спирти асосида экстракция қилиб олинган қуруқ экстрактларни ўткир захарлилиги ва специфик фаоллиги 36 та оқ лаборатория сичқонларида ўрганилди.

«STIGMACHOLE-ZEA» сувли, 40% ва 70% ли этил спиртда ажратиб олинган экстрактларнинг сафро хайдовчи фаоллиги турли жинсдаги 20-24 г вазндаги 30 та оқ лаборатория сичқонларда ўрганилди. Тажриба бошланишидан 24 соат олдин хайвонларга овқат бериш тўхтатилди. таққослаш учун олинган наъматак настойкаси (серия 020323; яроқлилиқ муддати 01.03.2025; ишлаб чиқарувчи “Zamona Rano” МЧЖ) 5 мл /кг дозада юборилди. 60 дақиқадан сўнг хайвонларни эфир ёрдамида хушсизлантирилиб, уларнинг қорин бўшлиғи кесилди ва жигар қисми ажратиб олинди.

“STIGMACHOLE-ZEA” сувли ҳамда 40% ва 70 % экстрактларининг ўткир тетрахлометанли зарарланиш моделида ўт ажралиши ва ўт таркибини аниқлаш учун Аллохол (АО Sopharma, Болгария) билан солиштирилган ҳолда 24 та ўртача вазни 160-210 грамм бўлган, оқ наслсиз лаборатория каламушларида ўрганилди. тажриба гуруҳлари экспериментал ўткир токсик гепатит модели 50%-тетрахлорметаннинг ёғли эритмасини 0,5 г/100 г дозада 4 кун давомида тери остига юбориш орқали гепатит чақирилди.

ТХМТЎТ кечимида каламушлар қон зардобидоги тетрахлометанли гепатит моделида «STIGMACHOLE-ZEA» фармакотерапиясининг 6 ва 12-кунида АЛАТ ва АСАТ миқдори, умумий билирубин ҳамда боғланган билирубин миқдорлари, ишқорий фосфатаза ва альбумин миқдорининг ўзгариш динамикаси ўрганилди (“HUMALYZER Primus”, Германия).

Диссертациянинг учунчи боби ««STIGMACHOLE-ZEA» қуруқ экстракт таркибини танлаш ва технологисини ишлаб чиқиш ҳамда фармакологик тадқиқотлар олиб бориш» деб номланиб, фармакологик текширувлар учун қуйидаги компонентлардан ташкил этган турли нисбатлардаги 4 та синов йиғмалари тадқиқ қилинди: маккажўхори устунчаси билан оғизчаси, итбурун наъматак мевалари, майда гулли тоғрайхон ўти, оддий бўймадорон ўти.

Олиб борилган фармакологик тажрибалар натижасида 1,2 ва 4 йиғмага қараганда 3 йиғма дамламаси назорат гуруҳига нисбатан сафро оғирлигини 4.48 баробарга оширди. Олинган натижалар 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

1, 2, 3, 4-йиғмаларининг ўт ҳайдаш фаоллигини ўрганиш натижалари (M±m; n=6)

Гуруҳ	Ҳайвонлар сони	Ажралган сафро, мг
Назорат	6	7,58 ± 0,59
1-йиғма	6	25,22 ± 3,03 <sup>x</sup>
2-йиғма	6	22,17 ± 2,33 <sup>x</sup>
3-йиғма	6	33,97 ± 3,16 <sup>xy</sup>
4-йиғма	6	26,38 ± 2,08 <sup>x</sup>

Изоҳ: x-назорат кўрсаткичлари билан таққослаганда P < 0.05 да ишонч индексидаги фарқ; У - P < 0.05 да ишонч индексининг 3-йиғма кўрсаткичлари билан таққослагандаги фарқи.

Фармакологик изланишлар асосида ишлаб чиқилган 1, 2, 3, 4-йиғмаларининг ўзига хос фаоллигини ўрганиш шуни кўрсатдики, 3-йиғма (маккажўхори устунчаси билан оғизчаси (*Zea mays stylis cum stigmatis*) - 40 қисм; итбурун наъматак мевалари (*Rosae fructus*) - 20 қисм; майда гулли тоғрайхон ўти (*Origanum tythanthum herba*) - 20 қисм; оддий бўймадорон ўти (*Achilleae millefolii herba*) – 20 қисм) ўт ҳайдаш фаоллиги юқори эканлиги тажрибаларда илмий жиҳатдан исботланиб, 3-йиғма асосида қуруқ экстрактлар олиш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар ўтказилган.

Ўсимлик хомашёлари 2:1:1:1 нисбатларда аралаштирилиб пичокли тегирмонда майдаланди ва тешиклари диаметри ўлчами 3 мм бўлган элақдан ўтказилди. Майдаланган хомашёлардан 3 хил усулда «STIGMACHOLE-ZEA» қуруқ экстракти олинди. 1-усулда 1 кг йиғмадан сув буғи ёрдамида қуруқ концентрант экстракти олиниб, уни Даниянинг Ангидро

маркали пуркаб курутиш ускунасида умумий хом ашёга нисбатан 5,0% унум билан куруқ экстракт олинди. 2-усулда 1 кг йиғмадан 40%ли этил спирти ёрдамида экстракция қилиниб умумий хом ашёга нисбатан 4,0% унум билан куруқ экстракт олинди.

3-усулда 1 кг йиғмадан 70% этил спирти билан экстракция қилиниб, умумий хом ашёга нисбатан 4,2% унум билан куруқ экстракт олинган.

3-йиғмадан олинган «STIGMACHOLE-ZEA» сувли, 40% ли ва 70% ли этил спирти асосида экстракция қилиб олинган куруқ экстрактларни ўткир захарлилиги ва специфик фаоллиги ўрганилди. «STIGMACHOLE-ZEA» сувли, 40% ли, 70% ли, этил спирти асосида олинган экстрактларни ўткир захарлигини ўрганиш натижалари 2-жадвалда келтирилди.

2-жадвал

**«STIGMACHOLE ZEA» сувли, 40% ли ва 70% ли этил спиртта олинган куруқ экстрактни ўткир захарлилигини ўрганиш**

Сувли экстракт									
Ҳайвонлар сони	Вазн, г	Доза	Юборилиш йўли	Ўлим ҳолати	Ҳайвонлар сони	Вазн, г	Доза	Юборилиш йўли	Ўлим ҳолати
		мл/кг					мл/кг		
1	19	6000	Оғиз орқали	йўқ	1	20	10000	Оғиз орқали	йўқ
2	20				2	19			
3	21				3	19			
4	20				4	19			
5	19				5	20			
6	21				6	19			
LD <sub>50</sub>					>10000мг/кг				
40% ли спиртли экстракт									
Ҳайвонлар сони	Вазн, г	Доза	Юборилиш йўли	Ўлим ҳолати	Ҳайвонлар сони	Вазн, г	Доза	Юборилиш йўли	Ўлим ҳолати
		мл/кг					мл/кг		
1	21	6000	Оғиз орқали	йўқ	1	20	10000	Оғиз орқали	йўқ
2	20				2	20			
3	19				3	19			
4	20				4	19			
5	21				5	20			
6	19				6	19			
LD <sub>50</sub>					>10000мг/кг				
70% ли спиртли экстракт									
Ҳайвонлар сони	Вазн, г	Доза	Юборилиш йўли	Ўлим ҳолати	Ҳайвонлар сони	Вазн, г	Доза	Юборилиш йўли	Ўлим ҳолати
		мл/кг					мл/кг		
1	20	6000	Оғиз орқали	йўқ	1	20	10000	Оғиз орқали	йўқ
2	20				2	19			
3	19				3	19			
4	19				4	20			
5	21				5	19			
6	21				6	19			
LD <sub>50</sub>					>10000мг/кг				

Олинган натижаларга биноан «STIGMACHOLE-ZEA» сувли, 40% ва 70% экстрактларнинг LD<sub>50</sub> кўрсаткичи 10000мг/кгдан юқори бўлиб, IV синф-кам захарли гуруҳга мансублиги аниқланди.

«STIGMACHOLE-ZEA» сувли, 40% ва 70% ли этил спиртта ажратиб олинган экстрактларнинг ўт ажралиб чиқишига таъсири 250 мг/кг дозадаги сувли экстрактни ҳайвон организмига юборилганда назорат гуруҳига нисбатан 2,68, 40% ли спиртли экстракт юборилганда 3,42 мартага, 70% ли

спиртли экстракт таъсирида эса ўт ажралишининг 2,75 мартага ошганлиги аниқланди. 40% ли спиртли экстракт сувли ва 70% ли спиртли экстрактга нисбатан жигар хужайраларидан ўт ажралишига самарали таъсир этди (3-жадвал).

3-жадвал

**Сувли ҳамда 40% ва 70 % ли спиртли экстрактларининг ўт ажралишига таъсир натижалари (M±m; n=6)**

Гуруҳлар	Ўт суюқлиги ва ўт пуфагининг вазни, мг	Ўт пуфагининг қурук вазни, мг	Ажралган ўт суюқлиги, мг
Назорат	11,92±1,26	1,42±0,26	10,50±1,29
Сувли экстракт, 250мг/кг	29,5±1,15*	1,33±0,20	28,17±1,21*
40 % ли спиртли экстракт, 250 мг/кг	37,17±2,68*	1,25±0,24	35,91±2,64*
70 % ли спиртли экстракт, 250 мг/кг	30,5±2,46*	1,67±0,20	28,83±2,51*
Наъматак настойкаси	29,92±1,42*	1,50±0,22	26,42±1,37*

Эслатма \*- Назорат ҳайвонлар кўрсаткичларига нисбатан аниқлик-  $P < 0,05$

«STIGMACHOLE-ZEA» йиғма хомашёсидан флавоноидларни ажратиб олишнинг мақбул шароитларини тажрибаларни математик режалаштиришнинг Бокс-Уилсон усули орқали аниқланди. «STIGMACHOLE-ZEA» йиғмасида ўт ҳайдовчи таъсирни асосан флавоноидлар берганлиги сабабли, режалаштиришнинг кўрсаткичи сифатида фазаларнинг биринчи таъсир вақтидаги хомашёда сақланишига нисбатан флавоноидларнинг унуми лютеолинга нисбатан олинди. Тажрибалар учун 0,5 кг дан хомашёни олиб, 40% ли этил спиртида экстракция жараёнига таъсир этувчи омилларни ўзгартирган ҳолда бир марта экстракция қилиб олиб борилди. Омилларга поғона чегаралари, жумладан, юқори, пастки ва улар орасидаги ўзаро фарқ қуйидагича белгилаб олинди (4-жадвал).


4-жадвал

**Таъсир қилувчи омилларнинг кўрсаткичлари**

Таъсир қилувчи омилларнинг поғона чегаралари	Таъсир қилувчи омиллар			
	X <sub>1</sub> жараёни бориш вақти, соат	X <sub>2</sub> хомашё майдалиқ даражаси, мм	X <sub>3</sub> жараёни олиб бориш ҳарорати, °C	X <sub>4</sub> хомашё ва эритувчи нисбати
Юқори поғона	7	7	60	1:6
Ўрта поғона	5	5	50	1:5
Пастки поғона	3	3	40	1:4
Чегаралар фарқи	2	2	10	1


Аниқланган омиллар таъсири остида «STIGMACHOLE-ZEA» йиғмасида флавоноидларни экстракциясининг динамикаси аниқланди. Бунинг учун 7 мм майдалиқдаги хомашёдан 0,5 кг дан олиб 5 л ҳажмли эга 6 та экстракторга солиб 3 л 40% ли этил спирти қуйилди. Экстракция жараёни хона ҳароратида ҳар бир экстракторда 1 соат фарқ билан олиб борилди. Қуйиб олинган экстрактларда флавоноидлар миқдори аниқланди ва биринчи экстракция вақти белгилаб олинди. Иккинчи қуйиб олиш муддатини аниқлаш учун 6 та экстракторда 0,5 кг солинган хомашёлар биринчи экстракция

жараёни учун аниқланган шароитда экстракция қилинди. Биринчи экстракт қуйиб олинганч экстракторларга 3 л янги 40% ли этил спирти солинди ва аввалги тажрибалар каби экстракция давомийлиги бир соат фарқи билан тиндириб қўйилди. Қуйиб олинган экстрактларда флавоноидлар миқдори аниқланди ва биринчи экстракция вақти белгилаб олинди. Шу тартибда 3-, 4-, 5-, 6-, 7-экстрактларнинг қуйиб олиш вақтлари аниқланди (1-расм).



**1-расм. Вақт ўтиши билан «STIGMACHOLE-ZEA» йиғмасидан флавоноидлар унуми**

1-расмда келтирилган тажриба натижалари асосида «STIGMACHOLE-ZEA» йиғмасидан флавоноидларни экстракцияси беш марта амалга ошириш лозим деган хулосага келинди. Бунда биринчи экстракт қуйиб олиш муддати 6 соат, иккинчиси – 4, учинчиси – 3, тўртинчи ва бешинчиси – 2 соатдан кам бўлмаслиги керак. Танлаб олинган шароитлар асосида 40% ли этил спиртида беш марта экстракция жараёни олиб борилди ва флавоноидлар унуми 94,2% дан кам эмаслиги аниқланди. Бу экстракция жараёни учун мақбул кўрсаткич ҳисобланади.



**2-расм. «STIGMACHOLE-ZEA» йиғма хомашёдан олинган экстрактни ёғсимон моддалардан хлороформ билан тозалаш ва тозаланган куб қолдиқдан флавоноидларни экстракция қилиш динамикаси**

Ўт ҳайдовчи «STIGMACHOLE-ZEA» йиғма хомашёсидан олинган экстрактни гидрофоб ва гидрофил табиатли ёт моддалардан тозалашнинг динамикасини ўрганиш мақсадида олиб борилган тадқиқот натижалари, 40% ли этил спиртида олинган экстрактни қуюлтириб уни 1:1 нисбатда сув билан суюлтирилгач, уни хлороформ билан беш марта экстракция қилиш етарли эканлигини кўрсатди (2-расм).

«STIGMACHOLE-ZEA» йиғма хомашёдан олинган флавоноидларни қуритиш вакуумсиз ва вакуумли шароитда, инфрақизил нур таъсири остида, ҳавони мажбурий шамоллатиш ва пуркаб қуритиш каби шароитларда ишловчи қурилмалар олиб борилди. 5-усулда олинган қуруқ экстрактнинг намлик улуши бошқа кўрилган турга нисбатан камлиги, мазкур турнинг яна бир устунлиги деб баҳолаш мумкин ва «STIGMACHOLE-ZEA» йиғма хомашёдан олинган флавоноидларни қуритиш учун пуркаб қуритиш қурилмаси танлаб олинди (5-жадвал).

5-жадвал

**Қуритиш турининг «STIGMACHOLE-ZEA» йиғма хомашёдан қуруқ экстракт унуми ва маҳсулотнинг намлик кўрсаткичига таъсири**

Намуналар тартиби	Хомашё оғирлигига нисбатан қуруқ экстракт унуми, %	Қуритиш жараёнига сарфланган вақт, соат	Элақдан ўтмаган қуруқ экстракт миқдори, %	Қуруқ экстрактнинг намлик улуши
1	5,42	22	15,25	8,75
2	5,05	11	7,67	4,15
3	5,65	9	9,50	6,76
4	4,93	5	5,82	5,35
5	4,25	0,5	-	3,62

«STIGMACHOLE-ZEA» йиғма хомашёдан олинган флавоноидларни пуркаб қуритиш қурилмасида қуритишнинг мақбул шароитларини танлаб олиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, қуритиш воситасининг киришдаги ҳарорати ошиши билан қуруқ экстрактнинг намлик улуши камаяди. Олинган натижалар асосида «STIGMACHOLE-ZEA» йиғма хомашёдан олинган флавоноидларни пуркаб қуритиш қурилмасида қуритишда қуритиш воситасининг киришдаги ҳарорати 190 °С, чиқишдаги ҳарорати 75 °С этиб белгиланди (6-жадвал).

6-жадвал

**Қуритиш воситасининг ҳароратнинг «STIGMACHOLE-ZEA» йиғма хомашёдан қуруқ экстракт унуми ва маҳсулотнинг намлик кўрсаткичига таъсири**

Қуритиш воситасининг ҳарорати, °С		Қуруқ экстрактнинг намлик улуши, %	Хомашё оғирлигига нисбатан қуруқ экстракт унуми, %
киришда	чиқишда		
160	65	7,9	3,05
170	70	7,6	3,22
175	70	6,4	4,57
185	75	4,4	4,30
190	75	3,8	4,24
200	85	2,4	3,36

Тадқиқотларимизни қуритилаётган эритмани пуркаб қуритиш қурилмасига қандай тезлик билан узатиш лозимлиги аниқлаш бўйича олиб

борилган тадқиқот натижалари, қуритилаётган эритмани қурилмага узатиш тезлиги 5 л/соат бўлганда қуруқ экстракт унуми энг юқори эканлигини кўрсатди (7-жадвал).

7-жадвал

**Қуритилаётган эритмани пуркаб қуритиш жиҳозига узатиш тезлигининг «STIGMACHOLE-ZEA» йиғма хомашёдан қуруқ экстракт унуми ва маҳсулотнинг намлик кўрсаткичига таъсири**

Қуритилаётган эритмани пуркаб қуритиш қурилмасига узатиш тезлиги, л/соат	Қуруқ экстрактнинг намлик улуши, %	Хомашё оғирлигига нисбатан қуруқ экстракт унуми, %
2	1,7	3,46
3	2,3	3,65
4	3,4	3,80
5	3,7	4,26
6	8,2	4,02

Қуритилаётган эритмада қуруқ қолдиғи миқдори қанча бўлиши лозимлиги аниқлаш бўйича олиб борилган тажриба натижалари 8-жадвалда келтирилган бўлиб, «STIGMACHOLE-ZEA» йиғма хомашёдан олинган флавоноидларни пуркаб қуритиш жиҳозидида қуритишда қуритилаётган эритманинг таркибидаги қуруқ моддалар улуши 15 % бўлиши кераклиги танлаб олинди.

8-жадвал

**Қуритилаётган эритма таркибидаги қуруқ моддалар миқдорининг «STIGMACHOLE-ZEA» йиғма хомашёдан қуруқ экстракт унуми ва маҳсулотнинг намлик кўрсаткичига таъсири**

Қуритилаётган эритманинг таркибидаги қуруқ моддалар миқдорининг улуши, %	Қуруқ экстрактнинг намлик улуши, %	Хом ашё оғирлигига нисбатан қуруқ экстракт унуми, %	Қуруқ экстрактнинг ранги
5	6,5	3,65	Оч жигарранг
10	3,6	4,28	Оч жигарранг
15	2,8	4,25	Оч жигарранг
20	2,4	3,86	Жигарранг
25	1,9	3,52	Тўқ жигарранг

9-жадвал


**Қуритилаётган эритмани қурилма форсункасига узатишдаги босимининг «STIGMACHOLE-ZEA» йиғма хомашёдан қуруқ экстракт унуми ва маҳсулотнинг намлик кўрсаткичига таъсири**

Қуритилаётган эритмани форсункага узатишдаги босими, МПа	Қуруқ экстрактнинг намлик улуши, %	Хомашё оғирлигига нисбатан қуруқ экстракт унуми, %
0,05	5,8	3,67
0,10	3,6	4,23
0,15	2,9	4,25
0,20	2,3	3,82

Қуритилаётган эритмани форсункага узатишдаги босимини ўрганиш мақсадида олиб борилган тадқиқот натижалари асосида «STIGMACHOLE-ZEA» йиғма хомашёдан олинган флавоноидларни сувли эритмасини пуркаб қуритиш жиҳозига узатишдаги босимини 0,1 МПа паст эмас ва 0,15 МПа

юкори бўлмаса қуритиш жараёни самарали кечади деган хулосага келинди (9-жадвал).

Олинган натижалар асосида «STIGMACHOLE-ZEA» йиғма хомашёдан ўт ҳайдовчи хусусиятга эга қуруқ экстракт олиш технологияси ишлаб чиқилди (3-расм).



1-тегирмон, 2-торози, 3-аралаштиргич, 4-экстрактор, 5, 13, 14-ўлчов сигимлари, 6-иссиқлик алмасувчи жиҳоз, 7, 8, 10, 15, 16, 17, 19 - йиғич сигимлар, 9-филтр, 11, 18-буглатиш ускуналари, 12-реактор, 20-насос, 21-пуркаб қуритиш ускунаси.

**3-расм. «STIGMACHOLE-ZEA» йиғма хомашёдан ўт ҳайдовчи хусусиятга эга қуруқ экстракт ишлаб чиқаришнинг жиҳозли технологик схемаси**

Пуркаб қуритиш (21) ускунасининг йиғичидаги 2,15 кг қуруқ экстракт меъёрий-техник ҳужжатлар талабига мослиги текширилади, сифат назоратидан ўтгач қадоқланади, ёрликланади ва сақлаш учун омборга топширилади. Ишлаб чиқилган технология 5 сериядаги қуруқ экстракт олиш билан текширилди. Натижада сифат жиҳатидан деярли бир ҳиллиги аниқланди. Қуруқ экстрактлар таркибида флавоноидлар миқдори 2,4% дан 2,8% оралиғда эканлиги кузатилди. Қуруқ экстракт унуми хомашё оғирлигига нисбатан 4,0 - 4,6 % ва қуруқ экстрактлардаги намлик улуши 2,8 - 3,5% ни ташкил қилди. Бу эса ишлаб чиқилган технологияни рентабел эканлигини кўрсатади.

40% ли қуруқ экстрактнинг самарадорлиги исботланганлиги сабабли, навбатдаги тажрибаларда унинг таркибидаги макро ва микроэлементларни индуктив боғланган плазма масс-спектрометрия усули ёрдамида-Agilent Technologies компаниясининг ICP-MS AT 7700 SX № JP14303170 асбобида аниқланди. «STIGMACHOLE-ZEA» қуруқ экстракти таркибида инсон ҳаёти учун муҳим бўлган кальций-5700 мг/кг, фосфор-4200 мг/кг, калий-32000 мг/кг, натрий-430 мг/кг, бор-1,08 мг/кг, рух-49,0 мг/кг, темир-190 мг/кг, магний-2700 мг/кг ва турли хил миқдордаги бошқа бир қатор

микроэлементлар мавжудки булар «STIGMACHOLE-ZEA» куруқ экстрактини фармакологик жиҳатдан самарадорлиги юқори эканлигидан далолат берди.

Илк бор, «STIGMACHOLE-ZEA» куруқ экстракти таркибидаги сувда эрувчи витаминларни идентификация қилиш учун ЮССХ усулидан фойдаланилди. Натижада танланган шароитларда куруқ экстракт таркибидаги витаминларнинг ушланиш вақти асосида чўкки баландлиги аниқланди. Бунда ушланиш вақtlари тиамин гидрохлорид (B<sub>1</sub>) – 9.143 дақиқа, рибофлавин (B<sub>2</sub>) – 14.597 дақиқа, пиридоксин (B<sub>6</sub>) – 11.399 дақиқа, витамин B<sub>9</sub> – 13.302 дақиқа, аскорбин кислота (C) – 5.005 дақиқани ташкил қилди. Унга кўра тиамин гидрохлорид (B<sub>1</sub>) 0,0104 мг, рибофлавин (B<sub>2</sub>) 0,1136 мг, пиридоксин (B<sub>6</sub>) 0,3994 мг, никотинамид (PP) 0,0144 мг, витамин B<sub>9</sub> 1,3764 мг, аскорбин кислота (C) 1,6923 мг ташкил қилди.

«STIGMACHOLE-ZEA» куруқ экстракти таркибидаги аминокислоталар Agilent Technologies 1200 хроматографидан фойдаланиб аниқланди. Ҳар бир идентификация қилинган аминокислоталарни миқдори аминокислоталар йиғиндисига нисбатан мг/г да 10-жадвалда келтирилди.

10-жадвал

**Аминокислоталар миқдорини ЮССХ усулида аниқлашнинг метрологик таҳлили**

№	Аминокислота умумий массаси, мг/г	Метрологик таҳлил натижалари
1.	83,80965	$X_{\text{ўрт}}=83,80965$ $S^2=0,00144$ $S=0,03799$ $\Delta x=0,04723$ $\nu_e=0,20460$
2.	83,80955	
3.	83,80945	
4.	83,80975	
5.	83,80985	

Олиб борилган тадқиқотларга биноан, жами 22 та аминокислота борлиги аниқланди. Аминокислоталарнинг миқдорини камайиши бўйича қуйидагича жойлаштирилди (мг/г): Clu(15,03) >Acp(5,41) >Pro(7,85) > Thz(7,74) >His(5,93) >Ma(5,88) >Leu(5,48) >Met(3,10) >Arg(2,43) >Lis(2,29) >Val (2,01) >Ile(1,90) >Sis(1,39) >Gly(1,14) >Tyr(0,88) >Ser(0,52) Phe(0,23) ва х.к.

«STIGMACHOLE-ZEA» субстанцияси таркибидаги флавоноидларни аниқлашни ЮССХ усули ишлаб чиқилди. Лютеолин миқдори 2,2626%, ўртача хатолик эса лютеолинга нисбатан 0,44% ни ташкил қилди (11-жадвал).

11-жадвал

**“STIGMACHOLE - ZEA” субстанцияси таркибидаги лютеолин миқдорини аниқлаш натижаларининг метрологик тавсифи**

№	X%	X <sub>ўрт</sub>	S <sup>2</sup>	S	S <sub>x</sub>	t(95%,4)	ΔX	ΔX <sub>ўрт</sub>	Э,%	Е,% ўрт
1	2,2700	2,2626	6380x10 <sup>-4</sup>	7988x10 <sup>-2</sup>	3572x10 <sup>-2</sup>	2,78	2221x10 <sup>-1</sup>	9931x10 <sup>-2</sup>	0,98	0,44
2	2,2680									
3	2,2650									
4	2,2600									
5	2,2500									

Стандартланган «STIGMACHOLE-ZEA» 40% ли спиртли экстрактнинг тетрахлометан таъсирида жигарнинг ўткир токсик зарарланиш моделида зарарланган жигар ҳужайраларининг тикланишига таъсири гепатопротектор

карсил ва аллохол препаратлари билан солиштирилиб ўрганилганда, тетрахлорметан таъсирида кучайган жигарнинг холестаза, цитолиз ва жигар-хужайра етишмовчилиги синдромларини солиштирма препаратлар сингари бартараф этганлиги олинган натижалар асосида ўз исботини топди (12-жадвал). Хусусан, ўрганилаётган субстанция даволашнинг 6-кунида АлАТ ва АсАТ миқдорини назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан максимал 66,36% ва 52,4% га, аллохол ҳам айнан шу даврда уларнинг фаоллигини мос равишда максимал 68,68% ва 46,01% га оширганлиги, карсил препарати фармакотерапиясида бундай ижобий ўзгаришлар тажрибанинг 12-кунида (63,4% ва 44,92%) кузатилганлиги аниқланди.

12-жадвал

**ТХМЎТ кечимида каламушлар қон зардобиди АлАТ ва АсАТ фаолликларига таъсири, n=6**

Гуруҳлар	Ферментлар фаоллиги ва даволаш муддатлари			
	АЛТ, У/л		АСТ, У/л	
	6 кун	12 кун	6 кун	12 кун
Интакт	46,68±4,61	52,93±6,18	93,59±9,81	86,58±9,27
ТХМЎТ+H <sub>2</sub> O	140,56±10,40 <sup>x</sup>	121,62±15,19 <sup>x</sup>	171,95±12,13 <sup>x</sup>	146,93±22,03 <sup>x</sup>
ТХМЎТ+ «STIGMACHOLE-ZEA»	47,28±8,95 <sup>x,y</sup>	51,72±7,99 <sup>x,y</sup>	81,63±19,81 <sup>x,y</sup>	99,75±11,00 <sup>x,y</sup>
ТХМЎТ+карсил	59,38±7,14 <sup>x,y</sup>	44,51±2,70 <sup>x,y</sup>	113,14±8,27 <sup>x,y</sup>	80,93±8,31 <sup>x,y</sup>
ТХМЎТ+Аллохол	44,03±7,13	47,51±8,12	92,83±8,94	94,75±10,08

Изоҳ: x – фарқ интакт каламушлар кўрсаткичларига нисбатан (P<0,05), y – интакт гуруҳга нисбатан (P<0,05)

Демак, ўрганилаётган «STIGMACHOLE-ZEA» субстанцияси ТХМЎТ кечимида каламушлар қон зардобиди аланинтрансфераза ферменти АлАТ фаоллигига карсилдан самарали ва аллохолга тенг таъсир кўрсатди. Қон зардобиди АсАТ фаоллигига эса солиштирилган гепатопротектор препаратларига кўра самарали таъсир этгани аниқланди.

13-жадвал

**ТХМЎТТ кечимида каламушлар қон зардобиди билирубин миқдорининг тажрибанинг 12-кунидаги ўзгариш динамикаси, n=6**

Кўрсаткичлар	ТBil, mmol/l	DBil, mmol/l
Интакт	0,61±0,04	0,15±0,02
ТХМЎТТ+H <sub>2</sub> O	2,54±0,10 <sup>x</sup>	0,34±0,04 <sup>x</sup>
ТХМЎТТ+«STIGMACHOLE-ZEA»	0,42±0,10 <sup>x,y</sup>	0,15±0,03 <sup>x,y,z</sup>
ТХМЎТТ+карсил	0,52±0,11 <sup>x,y</sup>	0,17±0,04 <sup>x</sup>
ТХМЎТТ+Аллохол	0,53±0,14	0,14±0,03 <sup>x</sup>

Изоҳ: x – интакт каламушлар кўрсаткичларига нисбатан (P<0,05), y – даволанмаган гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан (P<0,05), z – таққослаш гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан (ЎТТ+карсил) (P<0,05).

Шунингдек, ТХМЎТТ кечимида каламушлар қон зардобиди тетрахлорметан таъсирида ошган умумий билирубин ва боғланган билирубин миқдорлари «STIGMACHOLE-ZEA» фармакотерапиясининг 12-кунида қон зардобиди билирубинга самаралироқ таъсир кўрсатиб, назоратга нисбатан умумий билирубин миқдорини 83,46% га, боғланган билирубинни эса 55,88% га оширди (13-жадвал). Карсил ва аллохол препаратлари бу кўрсаткичларга бир хил таъсир кўрсатди (79,53%; 50% ва 79,13%; 58,82%). ТХМЎТТ

кечимида тетрахлорметан таъсирида камайган қон зардобидаги умумий ва боғланган билирубин миқдори дори воситалари билан даволаш натижасида интакт кўрсаткичлар даражасида самарали таъсир этди.

Маълумки, ишқорий фосфатаза (ИФ) жигар ўт йўллари деворларида бўлиб, унинг жигарда, ўт йулларида миқдорининг ошиб кетиши жигар, ўт йўлларида муаммоларга ва жигар деструкциясига ёки сафро ўтишининг бузилишига олиб келади. Қонда ALP (Alkaline phosphatase) фаоллигининг ошиши натижасида ўт йўлларининг жигардан ташқари обструкцияси, яъни холестаза ривожланади. Шунингдек холестаза ўт йўлларининг шикастланиши, жумладан жигарнинг гепатобиллиар шикастланиши ва майда ўт йўлларида сафро ташилишининг бузилиши оқибатида келиб чиқади. Шу сабабли, навбатдаги тажрибаларда ТХМЎТГ кечимида «STIGMACHOLE-ZEA» субстанциясининг қон зардобидаги ишқорий фосфатаза динамикасининг ўзгариши орқали холестаза жараёнига таъсири ўрганилганда, фармакотерапиянинг 6-кунида ишқорий фосфатаза фаоллиги назорат гуруҳига нисбатан 32,43% га, холеретик аллохол ва карсил препаратлари таъсирида 39,44% ва 40,77% га камайганлиги аниқланди (14-жадвал).

14-жадвал

